

Ҳаёт қалъаси мустаҳкам бўлсин



2



5

“Тўйбузарлар”

Ойнисанинг кулмаган



6

БАХТИ



8

“Алло, ким бу?”

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Жамила РАҲМАТОВА,
бадий гимнастика бўйича
спорт устаси:

Жиддий синовлар ҳали олдинда

Ўзининг нозик, нафис ҳаракатлари билан мухлису ишқибозларни ҳайратга солаётган навихол қизларнинг маҳоратини кўриб, кўнглингда савол турғилади: бу спортми, ё санъатми!? Худди балет усталарининг жозибали рақсини томоша қилаётгандай улардан кўз узолмай қоласан. Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинлари финалида юртимиз номини муносиб ҳимоя қилган гимнастикачи қизларимиз Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова ва Замира Санакуловларнинг чиқишларини телеэкран орқали кузатиб борган юртдошларимиз орасида, менинг ҳам қизим шулардек моҳир гимнастикачи бўлиб, Ватанимиз довуғини дунёга таратсин, дея ҳавас қилган ота-оналарнинг кўп бўлгани шубҳасиз. 2009 йилда Осиё чемпионатида гуруҳ ҳисобида учинчи ўрин, 2010 йили XVI Осиё ўйинларининг кумуш медалга соҳиббаси, 2011 йилда ўтказилган Осиё ўйинларида гуруҳда учинчи ва булавада чиқиш қилиб иккинчи ўринни олган, халқаро тоифадаги спорт устаси Жамила Раҳматова “Юнусобод” универсал спорт саройига излаб борганимизда фикримизнинг тўғри эканига яна бир бор амин бўлдик. Жамилаҳон билан машғулотлар орасида бадий гимнастиканинг ўзига хос сир-асрорлари, унинг бугунги нуфузи ва ютуқлари ҳақида суҳбатлашдик.

4

Бошланғич ташкилотлар: кўмита суянчи, фаолият таянчи

Тошкентдаги Турин политехника университетида “Хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти ва унда бошланғич ташкилотларнинг ўрни” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Республика хотин-қизлар кўмитаси ташкил этган мажрус тадбирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олималар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, пойтахтимиз туманларининг хотин-қизлар кўмиталари раислари ва талабалар иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида аёллар, оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида изчил саъй-ҳаракат олиб борилаётганини таъкидлаб, натижада кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар, ирсий ҳамда юқумли хасталиклар сезиларли даражада камайганини эътироф этишди. Бу каби хайрли юмушларни амалга оширишда

кўмитанинг жойлардаги бошланғич ташкилотларида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар хизмати алоҳида ўринга эга. Маҳалла, ташкилот, корхона ва ўқув муассасаларида хотин-қизлар кўмиталарининг бошланғич ташкилотлари рўйхатдан ўтказилди ва қайта тузилди. Айни пайтда жами 41 848 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда.

— Фаолиятимизда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ниҳоятда муҳим, — деди ушбу тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира БОСИТҲОНОВА. — Жойларда ишлаётган ҳамкасбларимиз кўмитанинг халққа энг яқин бўғини бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизни амалга ошириш кўпинча уларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ кечади. Шу боис асосий суянчимиз бўлган бошланғич ташкилотлар ишини тўғри ташкил этиш ниҳоятда долзарб масала саналади.

Севара РЎЗМЕТОВА

“ОБУНА — 2012” Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслақ бўлиб келаётган муштарам муштарийлар!

Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!



Ушбу сонда:

Саломатликнинг 12 тамойили	2
Тадбиркор қайнонанинг тадбирли келини	3
Қалам теккизилмаган шеърлар	4
Риэлторлар воситачиликни энг яқин таниганими?	5
Кашандалик ёш танламас экан	7
Сохта ҳужжат ва сифатсиз маргарин	7
«Нефғчи» Шарққа, қолган жамоалар қаёққа боришди?	8

Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда

Дарҳақиқат, оила ҳақида сўз кетар экан, энг аввало, Президентимизнинг бу муборак ҳаёт қалъаси хусусида айтган ушбу сўзлари беихтиёр ёдга тушади: "Аваллабор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бево-сита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор".

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият саналиб, ушбу тамойилни миллий қомусимиз ҳам ўзида мұжассам этган. Унга кўра, никоҳ тузиш жараёнида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ихтиёрийлиги қоидалари кафолатланади. Масалан, Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби белгиланган бўлиб, никоҳ фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Республика-мизда никоҳ ёши эркеклар учун 18 ёш, аёллар учун эса 17 ёш этиб белгиланган.

Никоҳ ёши узрли сабаблар туғайли турмуш қуришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, жойлардаги туман, шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ кўпи билан бир йилга қаматирилиши мумкин. Масалан, ўтган йили вилоятимизда 7 та шундай никоҳ қайд этилган бўлса, 2011 йилнинг ҳозирги давригача бундай ҳолат кузатилмади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Оила кодексининг 18-моддасига биноан никоҳ ФХДЭ органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб қонуний саналиб, турмуш қурувчилар эса эр-хотин деб ҳисобланади ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Оила кодексининг 13-моддасига кўра диний расм-русувларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ муносабатлари тарафларнинг эрки асосида вужудга келишини инобатга олиб, аёлни мажбурий никоҳга беришнинг жиноят қонуни билан тақиқланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жиноят кодекси-

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини

нинг 136-моддасига асосан аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўқинлик қилиш жиноят ҳисобланади ва мазкур ҳаракат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қиз-

бир-бирининг соғлиғи ҳақида хабардор бўлиши, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш орқали оилада соғлом фарзанд туғилиши, ёшларнинг бири-бирига ўзаро ишонч ва эътиборли муносабатини таъминлайди. Аҳоли ўртасида олиб борилган сўровлардан ва хотин-қиз-

нинг қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда бошқа аёл билан яшashi ёки биринчи никоҳни бекор қилмаган ҳолда иккинчи маротаба уйланиши оқибатида улар ўртасида фарзандлар дунёга келатиши сабаб бўлмоқда.

Масалан, Қоракўл туманида 2010 йил 8 ойи давомида 37 та ёлғиз она қайд этилган бўлса, 2011 йилнинг шу даври мобайнида ҳам 37 та ёлғиз она рўйхатга олинган. Олот туманида ушбу кўрсаткич тегишли равишда 18 та ва 27 тани ташкил этади.

Оталикни белгилаш бўйича Қоракўл туманида 2010 йилнинг 8 ойи давомида 136 та, 2011 йилнинг шу даври мобайнида 95 тани, Олот туманида ушбу кўрсаткич тегишли равишда 100 та ва 84 тани ташкил этди.

Бир оила бўлиб яшаётган, аммо шаръий никоҳдан ўтиб, никоҳини қонуний қайд эттирмаган оилаларнинг ҳуқуқий мавқеи, давлат томонидан ҳимояланмагани, натижада эр ёки хотин, шунингдек, норасида гўдакларнинг манфаатлари поймол бўлаётгани, никоҳни қайд эттиришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг нақадар зарур аҳамияти борлиги тўғрисида адлия бошқармаси, туман, шаҳар ФХДЭ бўлимлари, туман хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, қийноқ ва махалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, соғлиқни сақлаш ходимлари ва аҳоли билан тadbирлар ташкил этилмоқда. Бундай салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларни бартараф этиш, халқнинг тиббий ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча ваколатли идоралар, жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам тушултириш ишларини олиб бориб, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини халқ онгига тўлақонли сингдириш лозим.

Зеро, Ўзбекистонда амалга оширилаётган оила сиёсатининг мақсади оила институтини мустаҳкамлаш, оқил ва доно фарзандларимизни тўғри ва ибратли равишда тарбиялашдир.

Шероф БАХРОНОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи.

Ҳаёт қалъаси мустаҳкам бўлсин



лар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг асосий мазмун-моҳияти аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, эрта турмушга чиқиш, саводсизлик, турли диний оқимлар таъсирига тушиш каби нохуш ҳолатларни бартараф этиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, касбий ва ақлий салоҳиятини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятимиздаги оталикни белгилаш, ёлғиз она, қизларни ёш турмушга узатиш, никоҳдан ажралишларнинг олдини олишдан иборатдир.

Маълумки, никоҳ қайд этилишидан аввал турмуш қуриш истигадиги фуқаролар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тиббий кўрикдан ўтказилиши белгиланган. Тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш никоҳланувчиларни

лар кўмиталари, тиббиёт, махалла йиғинлари, ўқув юртлари ходимлари билан ўтказиладиган ўзаро мулоқотлар, давра суҳбатлари, семинар машғулотларида бўладиган баҳс-мунозаралардан шундай хулосага келиндики, оталикнинг белгиланиши ҳамда ёлғиз оналар сонининг ортиб боришига никоҳланувчи ёшларнинг никоҳга кириш ҳақида аризани 1 ой олдин бериш ҳамда тиббий кўрикдан ўтиш лозимлиги тўғрисидаги талабларга риоя этмаслиги натижада ёшларнинг никоҳни ўз муддатига қайд эттирмасдан тўйдан кейин, фарзанд туғилгандан сўнг боланинг туғилишини қайд эттириш учунгина ФХДЭ органига мувожаат қилишлари, ёш қизларни белгиланган никоҳ ёшига етмасдан турмушга бериш ҳамда ёшлар ўртасида ҳеч қачан вақт яшамасдан ажралиш ҳолатлари, ёшларнинг никоҳни ФХДЭ бўлимида қайд эттирмасдан турмуш қуриши ва тўйдан кейин қувенинг чет давлатларга ишлаш учун узоқ муддатга кетиб қолгани ҳамда республикамизда жиноят қонунчилиги бўйича кўп хотинлилик жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши эркеклар-

ЖАРАЁН

Репродуктив саломатлик: ўн икки тамойил

Ҳоҳида кўча-кўйда, боғларда етаклашиб юрган ёш йигит-қиз ёки келин-куёвларга боқиб, ҳозир улар нималар ҳақида баҳслашишаётган экан, дея ўйлаб қоламан. Шунда бундайларга қарата «Қанийди, бугунги суҳбатингиз соғлом оила, соғлом фарзанд ҳақида бўлса. Ахир, эрта-ми-индин ота-она бўласизлар», дегим келади.

Азал-азалдан момоларимиз ҳомилдор аёлни асраб-авайлаб, туғруқдан кейинги чилла даврида ҳам эҳтиёт чораларини кўришган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бундай муҳим ишларга жиддий эътибор қаратила бошлади. Бунинг яққол ифодаси сифатида Президентимиз томонидан 2009 йил қабул қилинган «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорни келтириш мумкин.

Репродуктив саломатлик фақатгина ушбу тизимда касалликлар йўқлиги эмас, балки насл қолдиришга боғлиқ тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий етуқлик ҳамдир. Бу муҳим йўналишнинг 12 тамойили бўлиб, хавфсиз ҳомилдорлик, бехатар туғруқ, чилла давридаги малакали ёрдам, замонавий контрацептив воситалар ҳақида аҳолига кенг маълумот бериш, туғруқлар оралиғи 3 йил ва ундан ортқ бўлиши, исталмаган ҳомилдорликнинг, жинсий йўллар билан юқадиган касалликларнинг, бепуштлиқнинг, ўсма ва шу каби хасталикларнинг олдини олиш, тўғри ташхислаш ва вақтида даволаш, болани она сuti билан боқиб, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ўсимрлар репродуктив саломатлиги ва тарбиясидан иборат. Бу каби долзарб вазифаларни ижобий томонга ҳал этиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади.

Шаҳноза ЗИНАТОВА,
Бўка тумани ФХДЭ бўлими инспектори.

Ёшлар камолотининг кафолати

Конституциямизнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги гоёвий-тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, ёшлар қалбида Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст-биродарлик сингари инсоний туйғуларни шакллантириш ва юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, Бош Қомусимизда халқимизнинг инсон камолоти бўйича кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари мұжассамлашгани муҳим хусусиятларидан биридир.

Хусусан, Конституциянинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Давлат ва жамият етим қолган ҳамда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган хайрия тadbирларини рағбатлантиради.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига биноан ҳам ота-оналар, ҳомийлар ва васийлар болаларнинг, тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг қону-

ний вакили ҳисобланади. Муомала лаёқати, яъни фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни бажариш лаёқати у вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлгач, тўла ҳақда вужудга келади.

Оила кодекси 100-моддасининг 1-қисмида "Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот бериши шартдир", деб таъкидланган. Шунингдек, Жиноят Кодексининг алоҳида боби "Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар" деб аталиб, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятга нисбатан жазо белгиланган.

Конституциямизнинг 65-моддасига кўра, фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатлари олдидан тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Бош Қомусимизнинг инсонпарварлик моҳияти шунда намоён бўладики, бу муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамиятнинг асосий бўғини сифатида оилага катта эътибор берилган ва бу мавзуга алоҳида

боб (XIV боб) ҳам ажратилган. Унда оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланган.

Шу ўринда Асосий Қонунимизда эртанги кунимиз ворислари ҳисобланган ёшларнинг кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликлари хусусида тўхталайлик. Зеро, ёш авлодни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, уларни билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза этиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитларини яратиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Конституциянинг 41-моддасида билим олиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади ҳамда мактаб ишлари давлат назоратидалигига ўрг берилган. Шахсининг билим олишга бўлган ҳуқуқи Конституция асосида қабул қилинган бир қатор қонунларда, шу жумладан, 1997 йил 29 августдаги "Таълим тўғрисида"ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган.

Ёшлар ўз салоҳиятларидан эркин

фойдаланишга, ўз иқтидор ва истеъодларини тўла намоён этишга ҳақлидирлар. Уларга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Лекин ёшларимиз Конституцияда кафолатланган бурч ва мажбуриятларини тўла-тўки бажаришлари лозимлигини ҳам унутмасликлари керак. Улар ҳам бошқа фуқаролар катори Конституция ва қонунларга риоя этишга, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурдирлар.

Дарвоқе, Конституциямизда ёшларга тегишли бурч ва мажбуриятларнинг мажбуллиги уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари доираси кенглигини инкор этмайди. Энг асосийси, мустақиллик фарзандлари бўлиши бугунги ёш авлод Ватанимиз Конституцияси шу юртда яшаётган фуқаролар учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруру ва фахр-ифтихор тимсоли эканини ҳам ҳис этиб яшашин.

Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.

Хунарманд усталар шогирдларига "Ўз ишингдан коникиш хосил қилсанг, ҳаракатдан тўхтаб қолсан", дея тез-тез такрорлаб туришаркан. Сухбатдошимиз — пойтахтимиздаги Сергели тумани тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Махфуза ШОЯҚУБОВА ана шу ҳикматли иборага амал қилиб яшаётган ишбилармонлардан бири.

— Махфуза опа, инсоннинг ҳаёти қандай кечиши болалиқда олган тарбиясига боғлиқ, дейишади...

— Аслида, ҳамма гап оилавий муҳитда! Ёшлаган меҳнатга ўргатилса, фарзандлар соғлом, бақувват, етук инсон бўлиб етишади. Ўзим хунармандлар оила-сида дунёга келганман. Дадам заводда ишларди. Ишдан кейин ака-укаларимни ёнига олиб, ус-тачилик билан шуғулланарди. У кишининг бирор марта ёнбош-лаб олиб, телевизор кўриб ётганини эслолмайман. Дунёда меҳнатнинг нонидан ширин лўқма йўқ, деган сўзни невараларига ҳам таъкидлашни қанда қилмайди. Онам Тошкент шаҳар бадиий буюмлар фабрикасида попоп тикувчи бўлиб ишлаган. Ака-укаларим ота изидан бориб, хунармандчилик йўлини танлашди. Уларнинг ҳаётини кузатиб, обрўнинг онаси — меҳнат, отаси — сабъ-ҳаракат аканига яна бир қарра ишондим.

— Меҳнат қанча қийин бўлса, охири шунча ширин бўлади, дейишади. Ҳозирги айрим ёшлар кам ҳаракат қилиб, кўп пул топишни орзу қилади. Фарзандларингиз Баҳромжон ва Рустамжон ҳам хунармандчиликни танлабди. Бунда сизнинг хиссангиз қатта бўлса керак-да?

— 1998 йили Шукур Бурхонов номидаги фуқаролар йиғини фаоли сифатида иш бошлаган пайтларим маҳалланинг иқтидорли ёшларини бир жойга тўплаб, наққошлик бўйича "Уста-шогирд" тўғарагини ташкил этдик. Дониёр Мавлонов хунар ўрганишга иштиёқманд болаларга наққошлик сирларидан сабоқ берди. Уғилларим ҳам мактабдан кейин бўш вақтларини тўғарақда ўтказишарди. Ал-

батта, бу осон бўлмади. Чунки наққошлик одамдан катта сабр-бардош, кунт талаб қилади. Бола-да, баъзида бошлаган иши кўнгилдагидек чиқмаса, қайтадан ясашига тўғри келади. Бармоқ-

Тадбиркор қайнонанинг тадбирли келини

ларига болга ёки миҳ тегиб, азоб берган вақтлари ичим ачийди. Дадаси иккимиз уларнинг ҳар битта ҳаракатини тўғри йўналтириб, ютуқларини рағбатлантириб турдик. Юк кўтарган юзга чиқади, дейишгани рост экан. 2002 йили Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган "Зукко авлод-2002" кўрик-танловида Баҳромжон 1-ўринни эгаллаб, миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида имтиёзли йўлланма асосида қабул қилинди. 2011 йили "Ташаббус" кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичларида ҳам фахрли ўринларни олишди. Бугунги кунда хунарманд уста Равшан Илёсовдан мебель ясаш сирларини ўрганишяпти.

Махфуза опа билан суҳбатлашиш асосида устахона деворларига осиб қўйилган хунарманд ака-укалар фаолиятдан ҳикоя қилувчи суратларга кўз югуртирдим. Айниқса, миллий услубда ясалган эшиклар диққатини тортди. Махфуза опанинг катта ўғли Баҳром Шояқубов шундай изох берди:

— Бу эшикларнинг ижодкори бувим десам ҳам бўлади. Попоп фабрикасида ишлаб юрган кезлари суратлар чизиб, янги-янги нақшлар ихтиро қил-

ган экан. Онам сандиқда асраб келган ўша суратларни яқинда бизга берди. Оддий қоғозга ижодкорона дид билан туширилган нақшлар одамни мафтун этиб қўярди. Ўзимиздан ҳам озроқ қўшиб, замонавий ва миллийлик уйғунлаштирилган эшикларни яратдик. Бу кўпчиликка маъқул бўлди, шекилли, буюртмалар кўп тушапти.

ши керак эмасми?..

— Дарвоқе, яқинда келинлик бўлибсиз. Қайноналикнинг оғир-енгил томонлари нимада экан? — яна опани суҳбатга чорладик.

— Шу йилнинг март ойида туманимизда "Ўқиб-ўрганилган ҳар битта хунар хунармандга бир кун фойда келтирар" шiori остида кўрғазма савдо ташкил эт-

кибди. Бири-биридан чиroyли, бежирим... Тақдир экан, тадбиркор ўғлимга тадбиркор қизни келин қилдим. Тўйдан буён уйимиздан чеварчиликни ўрганиш мақсадида эшик қоқиб келаётган қизларнинг қадами узилмайди. Ишлаши, билим ва тажрибасини бошқаларга ўргатиши учун келинимга барча шароитни яратиб бераман. Ахир, хунар — туғнамс хазина, қанча сарфласанг ҳам охири кўринмайди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили кўплаб аёлларимизга имкониятлар эшигини очди. Бу йилда кўзлаган мақсадларингизга нечоғли эришяпсиз?

— Жорий йилда туманимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган хотин-қизлар сони анча кўпайди. Бунда бизнинг ҳам баҳоли қудрат хизматимиз борлигини қувонамиз. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова билан билга семинар ва учрашувлар ташкил эта-пимиз. Мана, яқинда 10 нафар хотин-қизларимиз тадбиркорлик бўйича ўқиб, махсус сертификатга эга бўлишди. Машгулотларга соҳанинг мутахассислари ва ўз ишини йўлга қўйиб олган тадбиркорларни жалб этамиз. Ҳаётий тажриба орқали ўргатиш ҳам таъсирли, ҳам жонли бўлади-да!..

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизimini такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам ишбилармонларга катта куч-гайрат бағишлади. Бундай эътибор ва рағбат бизни янада кўпроқ меҳнат қилишга, изланишга ундайди.

"Оила ва жамият" муҳбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.



Баъзида меҳмонга борганда, уй жиҳозларига эътибор қиламан. Айрим хонадонларда эшикларга керагидан ортик ойналар қўйилган бўлиб, уйнинг ичкари-си аниқ кўриниб туради. Ошхона, меҳмонхонада-ку майли, ҳатто ётоқхонага ҳам шундай эшиклар ўрнатилганга нима дейсиз? Тўғри, ҳар кимнинг ўз диди бор, уй-жойини имкониятига қараб жиҳозлайди. Лекин ҳар нарсада, ҳатто мебулу анжомларимизда ҳам ўзбекона урф-одатларимиз сезилиб тури-

дик. Холидахонни шу танловда учратиб қолдим. Унинг миллий услубда тиккан либослари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Фаол иштирокчи номинацияси бўйича биринчи ўринга муносиб топилди. "Шу қизни келин қиламан", деган ниятни кўнглимга тугиб қўйгандим. Холида яшайдиган маҳаллага бориб, кўни-қўшнилар, шогирдлари билан суҳбатлашгач, унинг уста чевар, пазанда, ибодли-ҳаёли қизлиги-га амин бўлдим. Келинлик либосларининг барчасини ўзи ти-

Тиббий кўрикда юзакилик кетмайди!

Жамиятнинг таянчи ва асосий бўғини оила бўлса, аёл ана шу кўргоннинг устунларидан биридир. Оила мустаҳкамлиги кўпгина омилларга, жумладан, она ва боланинг саломатлигига боғлиқ. Шу боис бу масала республикамизда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фарзлар Маҳамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида»ги низом тасдиқланди. Шу муносабат билан Оила кодексининг 17-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, никоҳ-гача тиббий кўрикдан ўтиш мажбурийли-

ги таъминланди.

Кейинги пайтларда никоҳгача тиббий кўриқнинг келажак авлод саломатлиги учун зарурлиги, касаллик аниқланган ҳолатларда даволаниш курсларини ўтиб, кейин никоҳ тузиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай, 5 та асосий касаллик турларига қирмайдиган хасталиклар аниқланиши ҳам оиланинг саломатлигига пугур етказяпти. Демак, ҳар бир ёш йигит-қиз фақат оила қуриш олдидагина тиббий кўрикдан ўтмай, доимо ўз соғлиғи билан қизиқшиш лозим. Жиззах вилоят адлия

АДЛИЯ ТИЗИМИДА

бошқармасига қарашли ФХДЭ органлари томонидан ҳозирги кунга қадар тиббий кўрик ва унинг аҳамияти борасида телевидеода 15 марта, радиода 8 марта, матбуотда 18 марта чиқиш уюштирилди. Тиббий кўрик соғлом турмуш тарзи кафолати ва баркамол фарзандлар камоли экан, фуқароларда бундай синовдан ўтишда юзакичилик билан ёндашиш фикрини тубдан ўзгартириб, соғлом ҳаётга бўлган қизиқишни кучайтиришимиз лозим.

Ш. ЭСОНОВА,

Жиззах вилоят адлия бошқармаси ФХДЭ бўлими етакчи маслаҳатчиси.

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

Нақд пул тушуми назоратда

Нақд пул тушуми истиқбол кўрсаткичларини яхшилаш, банкдан ташқариш нақд пул муомаласини қисқартириш юзасидан жорий йилнинг 10 ойи давомида пойтахтимизнинг Учтепа тумани ҳудудида жойлашган автомобильларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида мунтазам равишда мониторинг-таҳлил ишлари олиб борилди.

Тадбирлар натижасида тумандаги АЁКШлар томонидан банк муассасаларига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида назорат касса машиналари ва терминаллардан фойдаланган ҳолда жами 43694,2 млн. сўм топширилишига эришилган. Кузатув асосида ўрганилганда харидорларга доимий равишда терминал орқали хизмат кўрсатилаётгани маълум бўлди.

Ҳозирги кунда туман ҳудудидаги барча АЁКШлар томонидан харидорларга назорат касса машинаси чеки берилиши, савдодан тушган нақд пул маблағларини банк муассасаларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши, тўлов терминалларидан доимий фойдаланиши ҳамда белгиланган ойлик нақд пул тушуми топширигининг ба-жарилиши назоратга олинган.

А. АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи.

ТИББИЁТ

Шифокорлар шарафланди

Бекобод шаҳар ва туман ҳокимлиги тиббиёт ходимлари кун муносабати билан байрам тадбири ташкил этди. Фидокорона меҳнатлари билан элда эъзоз топган бир гуруҳ шифокорларга эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди.

Шаҳар ва туманда мавжуд тўртта марказий шифохонада 300 нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Айни пайтда ўттизга яқин ҚВПлар ҳам фаолият юритаяпти. Бекобод шаҳридаги металлургия тиббиёт санитария даволаш масканининг ташқи томони таъ-

мирлиниб, ўзгача тус олди. Шунингдек, "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида янги тиббиёт жиҳозлари келтирилмоқда. Соҳага бундай эътибор натижасида тиббиёт ходимларининг иш фаолиятида анчагина энгилликлар яратилди, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам оширилди.

Тадбир доирасида Тошкент вилояти болалар жарроҳи Сирожиддин Зайниддиновнинг яқинда нашрдан чиққан қўлланмаси тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Турдикул НОРМАТОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.



(Боши 1-бетда.)

— Жамилахон, айтинг-чи, сиз бадий гимнастика билан шуғуллана бошлаган пайтингиздагига қараганда ҳозир спортнинг бу турига нисбатан одамларнинг қарашлари, муносабатларида фарқ борми? Ўзингизни бу спорт турига ким қизиқтирган?

— Биласизми, асли бизнинг оиламизни спортсеварлар оиласи десаям бўлади. Отам Адиз Раҳматов ҳозир тадбиркорлик билан машғул бўлса-да, ёшида бокс билан шуғулланган. Ҳатто ўз вази бўйича яхши натижаларга ҳам эришган. Фақат кейинчалик ўқиш, иш, оила ташвишлари деб спортдан узоқлашган. Онам Алевтина Раҳматова олий маълумотли бўлсаларда, лекин бизнинг тарбиямиз

Жамила РАҲМАТОВА:

Жиддий синовлар ҳали олдинда

билан жиддий шуғулланиб, ҳеч қаерда ишламаган. Темур акам ўсмирлигида катта теннис, кейинчалик боксга ҳам қатнаганди. Олим акам билан ойим сузишга қатнашарди. Аммо улар орасида профессионал спортни танлагани фақат менман. Сузишга қатнаб юрган кунларимизнинг бирида, ўшанда саккиз ёшда эдим, олдимизга бир аёл келиб, "Қизингизни бадий гимнастикага бермайсизми?" деб онамдан сўраб қолди. Онам: "Йў-е, бу жуда кийин бўлса керак, қизим қийналади", деганлар мени аяб. «Яхшилаб ўйлаб кўринглар, кейин жавобини айтарсизлар», деди ҳалиги аёл. Кейин билсам, у менинг биринчи мураббийим Оксана Шевченко экан.

Ота-онам бамаслаҳат равишда бир ойдан сўнг мени бадий гимнастикага беришгач, бу спорт турига қизиқимни ошди. Ҳозир эсласам, у маҳаллари сиз айна дамда кўриб турган бундай муҳташам, барча шароитлар муҳайё, жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт саройлари ҳам мавжуд эмасди. Ўн-ўн беш йил аввал бадий гимнастика дейилса, кўпчилик ғалатирок қарарди. Ҳозир эса машҳур спортчи, чемпион бўлишни орзу қилмаган ўзбек қизларини учратиш мушкул, тўғрими?

— Ҳамма нарсанинг ҳам биринчиси қадри ва эсда қоларли бўлади. Унуттилмайдиган илк ғалабаларингизни эслай оласизми?

— Дастлаб Навоий шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада ғалаба сурурини туйганман. Кейин эса



Россиянинг Мурманск шаҳрида ўтказилган нуфузли турнирда биринчи ўринни эгалладим: Ана шу ютуғимни эсласам, ҳалигача ҳаяжонга тушаман. Нега десангиз, мен эндигина ўн ёшда эдим ва энг кувончлиси, жаҳон гимнастикаси юлдузларидан бири, ҳамюртимиз Алина Кабаева билан танишганман. Ва беихтиёр чин юракдан "Насиб этса, мен ҳам унга ўхшаб чемпион бўламан!" деб ният қилганман. Кейинчалик турли хил мусобақаларда қатнашдим, ўзимга бўлган ишончим ортди. Ҳозирги кунда эса мураббийимиз Анелла Малкина раҳбарлиги остида миллий терма жамоамизда шуғулланаями.

— Сизнинг назарингизда бадий гимнастиканинг бошқа спорт турларидан фарқи нимада?

— Уни аёллар спортининг энг нафис, нозик турларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Биз ҳар гал ўз чиқишларимиз орқали томошабинларга эстетик завқ, гўзаллик улашамиз. Янграётган мусиқани ҳис қилиб, залдагиларга ҳар бир хатти-ҳаракатимиз орқали ўз туйғуларимизни етказиб беришимиз керак. Ҳозирги кунда бадий гимнастикани баҳолашда фақатгина бажарилган маш элементларига эмас, балки юз ифодаси, эмоция, образ яратиш учун ҳам алоҳида балл қўйилади. Мутахассислар гимнастикчиларнинг ички дунёси ўзгачарок, дейишлари бежиз эмас. Бу спорт турига ошно бўлган қизларнинг ички олами бой, ўзига хос диди, қараш бўлади.

— Сиз бадий гимнастика билан жиддий шуғуллана бошлагач, табиатингизда нимадир ўзгарди? Умуман, спорт билан машғул бўлиш қизлар учун қай даражада фойдали деб ўйлайсиз?

— Мен оилада ёлғиз қиз ва энг кичик фарзандман. Шу боис ҳар доим уйимизда ота-онам ҳам, акаларим ҳам кўнглимга қарашган. Спорт билан шуғуллана бошлагач, бошида бироз қийналдим. Негаки, майдонда эркаклик кетмайди-да! Аммо аста-секин спорт менга қатъиятлик, сабрли бўлишга, ғалаба билан жиддий сабоқлар келгусида шахсий ҳаётимда ҳам қўл келади, деб ўйлайман. Назаримда эркаким ёки аёлми, ким бўлишдан қатъи назар, одам спортнинг бирор тури билан шуғулланиши шарт. Жисмоний машқлар, ҳаракатлар нафақат инсон танасини, балки руҳини ҳам тарбиялайди, феъл-атворини шакллантиради.

— Деярли ҳар кун залдасиз, тинимсиз машғулотлар толиқтириб қўймайдими? Баъзан кайфият бўлмайди, чарчасиз, шундай пайтда «бор-э», деб қўл силтаб кетгингиз ҳам келганми?

— Йўқ, мен ҳеч қачон афсусланмайман. Тўғри, гоҳида ҳар хил вазиятлар бўлади, чарчайсан, машқларинг ўзинг истагандек ўхшамай қолади. Ана шундай пайтда кайфиятман сал тушиб, «Бўлди, орзу қилган муваффақиятларимга эришдим, медалла-

ИФТИХОР

рим бор, энди кетсаммикан», деган ўйлар ҳам кўнглимдан кечган-у... Лекин мураббийим бундай пайтда мендаги ўзгаришни шу қадар синчковлик билан сезади-ки, "Жамила, чарчагансан, икки ҳафтага рухсат, мазза қилиб дам олгин", дейди. Хурсанд бўлиб кетаман-у, бироқ бирикки кундаёқ яна қадрдон дугоналаримни, зални соғиниб қайтиб келаман.

— Айтишларича, айрим спортчиларнинг омад келтирувчи қандайдир туморлари, "сеҳрли" иборалари бўлармиш. Сиз ҳам шундай ирим-сиримларга ишонасизми? Ўзингиз мусобақа олдида нималарга амал қиласиз?

— Тўғри, бундай одат баъзиларда бор. Билмадим, мен фақат Оллоҳга ишонаман ва ҳамisha ҳар қандай беллашув олдида майдонга чиқаётганимда Яратгандан мени ҳам бошқалар қатори қўллашини илтижо қилиб сўрайман ва ғиламга ўнг оёғим билан чиқаман.

— Бадий гимнастикадан бошқа яна нималарга қизиқасиз?

— Мен ҳозирги кунда Тошкент давлат жисмоний тарбия институтини талабасиман. Дарсларга қатнайман. Кўп вақтим мусобақалар, сафарларда ўтади. Узоқроққа кетсам, албатта, ёнимда ўзим севган бадий китоблар бўлади. Чунки китоб ўқисам, ўзимни руҳан кучли сезаман, тасаввурим бойийди. Очиғи, бўш вақтим деярли кам, фақат дам олиш кунлари онамдан ўрганган пишириқлар, таниқ таомларни тайёрлайман.

— Жамилахон, сиз ҳозир ёшлик аталмиш жуда тез ўтиб кетадиган энг гўзал фаслда яшаяпсиз. Спорт ўз йўлига, негаки, ҳар доим ҳам майдонга чиқавермайсиз. Олдинда эса янада масъулиятлироқ синов майдони, яъни шахсий ҳаёт, мустақил оила куриш деган улғу вазифалар кутиб турибди...

— Мен чин маънода ўз оиласини муқаддас қўрган деб билган, англаган инсонларнинг фарзандиман. Онам гарчи ўз соҳасида етук мутахассис бўлсалар-да, бутун ҳаётини, меҳр-муҳаббатини фарзандларига бағишлаган аёл. Отам ҳам худди шундай бағрикенг, кўнгличан ва дунё кўрган инсон. Келгусида олдимга обрў орттириш ёки оилани танлаш вазифаси қўйилса, бутун умримни фарзандлар тарбиясига бахшида қиламан. Албатта, бўлгуси умр йўлдошимга келсақ, у киши спортчи эмас, лекин мени тўғри тушуниб, доимо қўллаб-қувватлаб туради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унга суянаман.

"Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
сўхбатлашди.



МЕТАЛЛ — Бу сўзни кўп ишлитамиз, маъноси ҳам ҳаммамизга маълум; ўзига хос жилогга эга бўлган, иссиқлик ва электрони яхши ўтказадиган, белгаланувчан содда кимёвий элемент ёки қотишма. Бироқ бу сўзнинг туб маъноси бошқача, яъни "металл" сўзи асли лотинча бўлиб, "қон", "шахта" деган маъноларни англатган.

Рангли металллар. Қора металл.

ТАЗКИРА — ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқа маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган, умуман, тарих, адабиёт, санъат соҳасидаги воқеалар ва шахслар ҳақида ёзилган китоб "тазкира" деб аталган. Масалан, Алишер Навоийнинг "Мажолиси унафоис" тазкираси. "Тазкира" сўзи асли "ёнда олди" деган маънони билдирган. Кейинчалик, "хабар", "билдириш", "хабарнома", "ҳаётнома", "хотиранома" маъноларини англата борган.

СУПРАҚУЛОҚ — Бу сўз халқ тилида, баъзи вилоятларимизда кўп қўлланади. "Супрақулоқ" сўзи асосан, болаларни эрқалаш маъносиде ишлатилади. Бу сўз ёшга ва гавдасига нисбатан қулоқлари катта болаларга қарата эрқалаб айтилади. Бу сўзнинг пайло бўлишига хамир ёйиш учун ишлатиладиган "супра" сўзи асос бўлган бўлиши керак. "Қашқарлар ўзбек халқ сўзлари" китобида "супра" сўзи иштирокида ҳосил бўлган бир неча қўшма сўзлар келтирилган. Масалан, "супрақоқди" сўзи. "Супрақоқди" сўзи халқ тилида "кенжа фарзанд" маъносини англатган.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ҚАЛДИРҒОЧ

Мактаб ҳам ўзига хос митта наشريётга ўхшайди. Ҳар ҳафтада кўчирилган ижодидан намуналар: яхши бажарилган уйга вазифалар (буларнинг барчаси матн яратишга тааллуқли), шеърлар, туйғун фикрлар янгиланади. Ҳар қадамда «Устоз, кеча бир шеър ёзувдим, кўриб беринг», «Ҳикоя қоралаган эдим», деб қўлимизга тутқазилади. Ҳар қандай ишларимни четга суриб, мурғак диллар изҳори билан танишишга уринаман. Беихтиёр шукрона келтиргим келади: истиқлол йилларида униб-ўсаётган фарзандларимиз давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлагандек, биздан кўра ақлли,

УМИДИМ КАТТА

доно ва бахтли эканига ишончим комил бўлади. Мен бугун сеvimли газетамизга тақдим этаётган 6-синф ўқувчиси Зебунисо Абдуалимованинг машқларига, ишонинг, деярли қалам теккизмадим. Ўзининг бошқаларга ўхшамайдиган рангин туйғуларини қоғозга туширишга уринаётган шогирдимга ойдин йўллар тилайман.

Шодийёр ТўРАЕВ,
Қўшработ туманидаги
35-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси.

Ким кучли?

Ким кучлидир, ким қодир?
Ким қўрқмасдир, ким ботир?
Бўронми, ёмғир, чақмоқ?
Фасларми кучлироқ?
Ким энгилмас, ким ботир?
Ким ҳар не ишга қодир?!
Уйлантирди бу жумбоқ,
Қизқитди бу фикр.
Мақсад — кучли, дедилар,
Орзу — буюк, дедилар.
Меҳнат-ла бахт топгани
Эда суюк, дедилар.
Сабот — тенгсиз, дедилар,
Ҳайрат — энгсиз, дедилар.
Ғазабни ютганларга,
«Мушча келгисиз», дедилар.

Адолат — сўймас зўб,
Меҳр — туганмас дарё.
Ким кучли эканини
Топгандайшман гўё!

Капалак

Гўёки самовда учгандек бир нар,
Пириллаб учеди, жоними ҳалак?
Ҳайрон боқшади унга шўх гуллар,
Жуда ҳам чиройли, рангин капалак.
Гулдан сузга қўнар, қийқарар шодон,
Гўё қитиқлайди ҳар кўнган гули.
Тутаман дейман-у, қочиб қолади
Митти юрагимнинг митти булбули!

Зебунисо АБДУАЛИМОВА,
Қўшработ туманидаги
35-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.



Ҳазилдан чиқди зил

Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Бобошер Жаҳонгиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) яхши ниятлар билан тўй бошлади. У ўша куни ўгли Жавоҳирга келин тушираётган эди. Тўйхона чарогон. Ҳофизларнинг ялласидан қулоқ қоматга келади. Хуллас, тўй авжига чиқиб, кўпчилик меҳмонлар рақс тушиб ётганида, тўйхонанинг ўртасида қий-чув бошланди қолди. Кимдир бировни урди. Бошқаси бор овози билан сўкинди. Жанжалга хотин-халаж аралашиб, дод-вой бошланди. Тўй оқсоқоллари, кимнингдир чақирувига биноан етиб келган тартиб посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан жанжалга чек қўйилди. Лекин бу пайтда тўй аллақачон тарқала бошлаган эди. Чунки бемаврид кўтарилган жанжал ҳаммининг кайфиятини бузиб улгурганди. Шундай қилиб Б. Жаҳонгировнинг яхши ният билан бошлаган тўйи ичкилик сабаб дилхиралик билан якун топди.

Энди воқеанинг давомини эшитинг. Тўйдаги жанжалда боши ёрилган Жўракул Тошев «тез ёрдам»га мурожаат қилди. Унга лифтохонада ётиб даволаниш зарурлигини айтишди. Ўғли ва хотинига керакли тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйларига жўнатиб юборилди. Бу ёғи эса маълум. Суриштирув. Тергов...

Тергов жараёнида аниқланишича, ўша куни спиртли ичимликдан тўйиб олган Р. Аннаев ва Б. Комилов тоғасининг тўйида хизмат қилиб юрган Ж. Тошевнинг ўгли Сарварни «югурдак» деб устидан кулишади. Аввалига С. Тошев улфатларнинг яхшигина отиб олганини кўриб, индамай ўзиб кетади. Унинг эйтиборсизлиги икки улфатнинг шахсиятига тегиб, меҳмонларга қўй қўтариб ўтиб кетаётган йигитчани чалиб юборишади. Албатта, шундан сўнг С. Тошевнинг ҳам жаҳли чиқди ва уларни тартибга чақиради. Ўзидан ёш йигитнинг ақли ўргатишидан

жаҳли чиққан, қолаверса, керагидан ортиқча спиртли ичимлик истеъмол қилган Р. Аннаев кутилмаганда С. Тошевнинг юзига мушт туширади. Унга Б. Комилов кўшилади. С. Тошевнинг онаси Ҳамида опаа ўғлини дўппослашаётганини кўриб, уларни ажратиб қўйишга ҳаракат қилади. Лекин ичкилик кўзини кўр қилиб қўйган улфатлар аёлни ҳам аяб ўтиришмайди. Энг ёмони, бу икки бадмастга уларнинг шишадош шериклари Ў. Алимов, О. Раҳимов ва Н. Ширинов ҳам кўшилишади. Жанжалнинг катталашиб кетаётганини кўрган меҳмону мез-

Йўлтўсар мезбонлар

Қашқадарё вилоятининг Қамаша туманида яшовчи Чори Тўраев тақдир тақозоси билан қизи Гулбахор Тўраевани Бухоро вилоятининг Олот туманига узатди. Қуда томон ҳам жуда меҳмондўст экан. Қайнота бўлмиш Эсон Абдиев ўша куни йиллар давомида йиққан-тикканини элдошлари олдига қўйди. Айниқса, қашқадарёлик қудаларнинг дастурхони тўкин бўлди. Тўй тинч тарқаб, келин-куёв гўшангага кузатиб қўйилди.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

парво қилмай йўл ўртасида тураве-ришди. Ана шунда Э. Тўқлиев улардан ўтказиб юборишни илтимос қилиш мақсадида машинадан тушиб, йигитларнинг ёнига борди. Лекин Элмурод ҳали сўзга оғиз очиб улгурмай орқа томонидан келиб тушган калтак зарбидан ерга йиқилди. Машина чирокларида нима бўлганини аниқ-тиниқ кўриб турган А. Тўраев унга ёрдамга шошилди...

оёғини босиб олади. Бу куёв-жўрага малол келади ва А. Тўраевни кўпчилиқнинг олдида ҳақорат қилади. Лекин тўй бузилишини истамаган А. Тўраев ва унинг қариндошлари Ш. Валиевдан кечирим сўраб, уни тинчлантиришади. Бўлган воқеа шу.

Аллақачон маст бўлиб улгурган Ш. Валиевга меҳмонларнинг кечирим сўраши камлик қилди. Шунинг учун ҳам тўйдан сўнг ўзига ўхшаш тўрт нафар спиртли ичимликдан тўйиб олган улфатларини чақириб, меҳмонларнинг йўлини тўсишади. Қолгани сизга маълум. Икки ўртада муштлашув бўлиб ўтади ва томонлар бир-бирларига тан жароҳати етказишади.

Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят Олот туман суди йўлтўсар мезбонларга тегишли жазо тайинлади. Лекин...

“Тўйбузарлар”

бонлар аралаш-қуралаш бўлиб томонларни ажратаётган бир пайтда кимдир Сарварнинг отаси Ж. Тошевга хабар беради. Бироқ, улфатларнинг қўлидан ўғлини ажратиб олиш ниятида орага кирган ота бошига келиб тушган шиша зарбидан ерга йиқилади. Унинг бошидан оқаётган қонни кўрган шира-қайғ йигитлар таҳликага тушиб, тўйхонадан жуфтакни ростлаб қолишади...



Шундан сўнг узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам уй-уйларига тарқаб қолди.

Тергов ва суд тергови давомида Р. Аннаев, Б. Комилов, Ў. Алимов, О. Раҳимов ва Н. Шириновнинг содир этган жинояти гувоҳларнинг кўрсатмаси ва бошқа далиллар билан ўз ибодтини топди. Уларга Жиноят Кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б» ва «г» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлик айби қўйилиб, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди...

Келиннинг акаси бўлмиш Акбар Тўраев тўйга синфдош дўсти Элмурод Тўқлиевнинг «Матиз» русумли машинасида келган эди. Тўйдан сўнг улар ҳам йўлга отланишди. Қудалар билан хайр-маъзур қилинган, машинага Э. Тўқлиевнинг онаси Ш. Тўқлиева, турмуш ўртоғи А. Тўқлиева, дўсти А. Тўраев ва унинг хотини Ф. Тўраева ўтириб, уйларига жўнади. Лекин улар қишлоқдан чиқар-чиқмас йўл устида гурунглашиб турган йигитларга дуч келишди. Йўл тор бўлгани учун айланб ўтишининг иложи йўқ эди. Йигитлар машина сигнаliga ҳам, ҳайдовчининг чирокларни ўчириб ёқишига ҳам

Хулоса ўрнида

Мана, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, ҳар иккала ҳолатда ҳам жиноятга қўл урган кимсалар маст бўлгани етмагандек, ўзларини идора қила олишмаган. Яъни аввалига «шер»га айланиб, кейин «ер» бўлишган.

Хўш, бу ўринда кимнинг айби кўпроқ, «текин бўлса тошни ют» қабилида иш тутиши оқибатида маст бўлиб, ўзларига «судланган» деган тамгани ортириб олган судланувчиларнингми ёки тўй дастурхонига керагидан ортиқ спиртли ичимлик қўйган тўй эгаларинингми?

Албатта, судланувчиларнинг қилмишини оқлаб бўлмайди. Чунки улар, биринчидан, амалдаги қонунда белгиланган жомоат тартибини бузишди. Иккинчидан, ўзгаларни ҳақоратлаб, тан жароҳати етказиб, яна қонунни бузишди. Бу ҳам етмагандек, бир инсоннинг умид билан ёзган дастурхонини оёқ-ости қилиб, «бузғунчи» деган қора тамгани ортиришди. Ана шунинг учун ҳам уларнинг қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Лекин танганин ҳам иккинчи томони бор. Хўш, бўлиб ўтган дилхиралиқларда тўй эгалари, маҳалла-куйнинг айби йўқми? Бор, албатта. Энг аввало, тўй эгалари, қолаверса, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари дастурхонга нималар ва қанча миқдорда қўйиллини назорат қилишлари, ортиқча исрофгарчиликка, мен сендан камманми қабилидаги дабдабазликка йўл қўймасликлари лозим эди. Агар дастурхонга ҳамма нарса расамади билан қўйилиб, спиртли ичимликка зўр берилмаганда, ҳар иккала тўй ҳам бузилмаган ва биз юқорида исм-шарифларини тилга олган йигитлар суднинг «қора курси»сида ўтиришмаган бўлур эди...

Аброр САИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти
Олот туман судининг раиси,
Сардор ҲАМРОЕВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

- қуйдаги ўқув курсларига тақлиф этади:
- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Ҳайвон, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).

Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни муңчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул яшас — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъво 1-уй 31-хона. Муължал: Юнусобод дехон бозори бош томони ораксидда.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18" дан 22" гача).

ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фаргона йули кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Муължал Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

Аввалги “воситачи”лар энди “риэлтор”ми?

САВОЛ-ЖАВОБ

Сўнгги пайтларда “риэлторлик” тушунчаси урфга кириб бораёпти. Уларни оддий тилда “воситачи” десак тўғри бўлмасми? Риэлторлар фаолиятининг қонуний асослари тўғрисида маълумот берсангиз.

Ж. Азизов,
Қарши шахри.

Риэлторлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида янгилик ҳисобланади. Қонун қабул қилингуна қадар кўчмас мулк бозорида воситачилик (риэлторлик) фаолияти масалалари қонуний тартибга солинмаган эди. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс профессионал тайёргарликка эга бўлмасдан ва тегишли рухсатнома олдмасдан кўчмас мулк олди-сотдиси ва ижарасида воситачилик хизматлари қўрсатарди. Риэлторларга нисбатан қонуний талабларнинг ҳамда давлат органлари томонидан улар фаолияти устидан назоратнинг мавжуд эмаслиги кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тузишда, айниқса, хуфёна воситачиликда катта тавақалчиликни келтириб чиқарар, бу эса кўпинча турар-жой эгаларининг алданиб қолишига сабаб бўлар, энг ачинарлиси, фирибгарлик ва бошқа қонунбузарликларни юзага келтирарди. Бундан ташқари, фуқаролар воситачилик фаолияти

билан шугулланар экан, солиқ тўлашдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда оларди. Шу муносабат билан қабул қилинган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун Ўзбекистонда қонуний риэлторлик фаолиятига асос солади, кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлат манфаатлари ҳисобга олинишни таъминлайди, профессионал риэлторлик фаолияти билан шугулланиш учун қулай шарт-шароит яратарди.

Қонунга мувофиқ риэлторлик фаолияти юридик (риэлторлик ташкилотлари) ва жисмоний (яъка тартибдаги тадбиркорлар) шахсларнинг кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган эгаллик ҳуқуқларига доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти сифатида белгиланган. Ушбу фаолият билан шугулланиш учун лицензия олиниши зарур, риэлтор эса ваколатли орган томонидан берилмайдиган

малака сертификатига эга бўлиши лозим. Қонун риэлторлар ва риэлторлик ташкилотлари зиммасига малака талабларини ҳамда ўз фуқаролик жавабгарлигини суғурта қилишни юклайди. Шунингдек, амалга ошириладиган хизматларнинг сифатини таъминлаш механизми, ишончли маълумотлар олиш кафолатлари, риэлторлар ва уларнинг мижозлари томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, риэлторлик хизматлари кўрсатиш муддатларини, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш, шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда мажбуриятларни қайтариш тартибини ўз ичига олган шартнома тузиш мажбуриятлари мустаҳкамланган. Бу ҳужжат кўчмас мулк бозорининг ноинсоф воситачиларига нисбатан тўсиқ вазифасини ўтайди, риэлторлик фаолиятини тўғри ташкил этиш соҳада замонавий рақобатни ривожлантириш ва охир-оқибатда фуқаролар, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоялашга ёрдам беради.

Саволга Қарши шахар
6-сонли ДНИ нотариуси
Зухраой АЛЛАЕРОВА
жавоб берди.

Ҳурматли отажоним Муса Аҳмедов!

Сизни табарруқ 77 ёшингиз билан чин юракдан табриклайман. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаган ҳолда, бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлишингизни Аллоҳдан тилаб қоламиз.



Дилшода Ҳасанов кизи.
Самарқанд вилояти Булунгур шахри

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

...Ойниса опа деразадан кўриниб турган асфальт йўлакка қаради. Ёмгир ювган дархатлар чангдан тозаланиб, енгил эсган шаббодада барглари титраб, ҳар сония рангини ўзгартиришарди. Баҳор. Ернинг намхуш ҳиди очик деразадан димоққа урилади. Ана, йўлакда барглardan ерга томаётган томчилардан бошини елим папка билан тўсганича ҳамшира қиз югуриб ўтди. Бироздан сўнг қаёқдандир пайдо бўлган мушук аянчли миёвлаганича бир жойда айлана бошлади. Шу пайт йўлак четдаги буталар орасидан иккита кичкина мушукча югуриб чиқиб, онасининг олдида борди. Уларни бирма-бир ялаб қўйган онаси болаларини эргаштириб, секингина кўздан ғойиб бўлди. Бу манзарани кузатиб турган Ойниса онанинг кўзида беихтиёр ёш гилтиллади. Э, у ҳам мана шу мушукча ўхшаб Ойгул қизини катта қилгунича қанча ялаб юлқанган, ўзи емай едирган, ўзи киймай кийдирган эди. Ҳозир эркатой қизи қаерларда экан-а? Невараларини ҳам жуда соғинди. Каттаси Аҳмадҷон ота-онасига сездирмай онда-сонда келиб кетади...

— Онажон, зерикмай ўтириб-сизми? Келинг, бир қон босимингизни ўлчаб кўяй, — ҳамшира қиз Сапуранинг овозини эшитиб қолди. — Қўшни хонага чикмадингизми? Сарви холам сизни сўровди, чой дамлаган экан. 37-хонадаги Каримбой ота шоколад конфетлари совға қилибди. Шунинг учун сизни иккиси чойга чақиривётган-дир, — дея гапира-гапира Ойниса онанинг биллагига тонометрни ўради.

— Нимасини айтасан, қизим, мен ҳам хурсандман Сарвиҳондан. Кеч бўлсаям ўзини бахтиёр ҳис қилаяпти. Одамларга ҳам ҳайронман, ота-она бечора умр бўйи болам-чакам деб елиб югуради-ю, ёши бир жойга борганида айрим ноқобил, ношуд фарзандлар кераксиз буюмдек қариялар уйларига топшириб юборишади. Яхшиямки, давлатизнинг бағри кенг, ёлғиз қарияларни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, ғамхўрлик кўрсатади.

Ҳамширанинг шошилаётганини сезиб турса-да, негадир айни тобда шу кўнгли бегубор қизга юрагини очғиси келиб кетди. Бугун унинг навбатчилигини эшитган, "Кечкурун сенга айтадиган гапларим бор", деди-да, қўлини дуога очди.

Уша куни кечгача кўнгли анча ёришиб юрди. Кейин Сапуранинг ўзи келиб қолди. Ойниса опа сўзлай кетди:

— Очиғини айтсам, менинг ўзим ҳам Мехрибонлик уйда катта бўлганман. Ота-онам икки ёшдалигимда автохалокатда қаза қилган экан. Бир йилдан кейин буним ҳам фарзанд доғини кўтара олмади, оламдан ўтганлар. Яқинроқ қариндошларимиз ҳам йўқ экан-да. Бизлар бу ерда бир-биримизга менинг ойим-дадам бор, эртага албатта ўзимизга олиб кетади, деб мактанардик. Эртаю кеч кўзим йўлда эди. Кўчадан ўтган ҳар бир ёшроқ аёл олим, эркак эса дадам бўлиб кўринадди. Бирортаси мен томон қайрилиб қарармикан, деб тикилавериб кўзларим ачишиб кетарди. Йўл қараб йиғлаб ўтирганганим кўрган мехрибон тарбиячимиз Ҳуснора опа бизни бағриларига босиб юпатар, конфет ёки печенье билан меҳмон қиларди. Кейин ўқидим, турмушга чиқдим. Бир қизим бор...

Ҳамшира қиз бу маҳзуни

хикояни эшитиб, ҳеч нарса демасди, холагинг пешонасидан секингина ўпиб кўяркан, "Қон босимингиз эртаюла яхши эди, лекин шундай бўлсаям манами дорини ичвориб, бироз дам олинг. Зериксангиз, боғни айланг", деди-да, чиқиб кетди.

Дунёнинг ишлари қизиг-а, кимдир болага, кимдир эса онага зор. Худойим ҳеч қачон уларни бир-бирдан айирмасин экан. Мана ўзи 67 ёшга кирди. Ҳали белида ҳам, қўлида ҳам

сини ейди. Уч ойдан бери нуқул калла гўшти еявериб, Ойнисанинг кўнгли айнидиган бўлди. Сарвар қассобнинг остонасига гул-гул очилиб қадам қўйган келинчак бир йилнинг ичида озиб, қорайиб, чўпга айланди. Бахриддин ҳам шу муддат ичида уйга бор-йўғи икки марта келиб-кетди, холос. Охири марта келганида хотинининг қўлидан дазмолланган қўйлагини зарда билан юлқиб олиб қичқирди:

диннинг асабини қақшатар, уйга кун ора маст холда қайтган эрини кўриши билан ур-тўполон, жанжалдан безор бўлган Ойниса бечора мурғаккина қизалоғини бағрига босганича бурчакка тикилиб олди.

Бир куни кечки соат ўнларда эшик кўнғироғи жиринглади. Не кўз билан кўрсинки, Бахриддиннинг ёнида ёшгина қиз турарди. Шундаям сездирмасдан,

Наргис ҚОСИМОВА

Ойнисанинг қулмаган



БАХТИ

кучи бор. Ҳозир невараларини мактабдан қайтишини пойлаб, овқат пишириб ўтирмасмиди. Аммо...

...Ойниса 16 ёшга тўлар-тўлмас уни шу қишлоқда яшайдиган Сарвар қассобнинг ўғлига узатишди. Бахриддин отасининг гирт тескариси, ориқ, новча, доимо бир нарсалардан тажанг бўлиб юрадиган йигит эди. Бунинг устига, Тошкентда қайсидир бир институтда ҳам ўқирди.

Тўйнинг учинчи кунидек янги куёв ўқишим қолиб кетаяпти, деб шаҳарга жўнаб кетди. Ойниса эса қайнонаси-қайнотасининг хизматидан бўшамади. Янги келинчак учун ўтаётган кун ниҳоятда зерикарли кечарди. Тонг сахарда туриб, кўча супурар, бешта сигирни соққач, ҳовлидаги йигирмадан ортиқ қўй-эчкиларни подага қўшиб келади. Сўнг нонушта тайёрлайди, уй йиғиштиради, молхона тозалайди, бу ҳам етмагандай боғлоқли иккита отга қарайди, яна овқат пиширади, кейин... Кир-чирларни ювиб бўлгач, камига сотишга сўйилган қўй-эчкиларни калласини куйдиради, инач-чавоғини тозалайди. Кечкурун яна шу аҳвол. Қайнисингилари эса қўлларини совуқ сувга урмайди. Бунинг устига, қайнонаси ўта инжик. Киригини ранги очилмабди, деб дордаги ҳали қуриб улгурмаган кирни ерга отади, овқатининг тузи кам, қуруқ чойни кўп солибсан, овқатга гўштини камроқ сол, деб қулоқ-мия-

— Бу ёққа бер, сендан мол ҳиди келади, қўйлаққа ҳам иси ўтириб қолмасин, уртоқларим устимдан қулишади.

Шу куни Ойниса эрига ҳеч нарса демасди-ю, аммо оғилхона орқасига ўтиб тўйиб-тўйиб йиғлади. Нима қилсин, бу ҳўрликлар қачон тугайди? Уни бу оилада ҳеч ким тушунамайди. На эри, на қайнонаси, на... Ота-онаси ҳаёт бўлганида бутунлай бошқача ҳаёт кечирган бўлар-миди? Энди кеч. Лекин...

Ойниса тўйнинг иккинчи кунидек билди: Бахриддиннинг тўтқаноқ касали бор экан. Ярим тунда оғзи кўпика тўлиб, жазава тушганча бақира бошлади. Келин эса кўрқиб кетганидан нима қилишни билмай, бурчакка тикилиб олди. Қайнотаси югуриб келиб, ўғлининг оғзига қошиқ солиб, бир нималар қилганди, бироздан кейин куёв жимгина ухлаб қолди. Эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек, яна ўрнидан туриб кўчгага чиқиб кетди. Ойниса бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демасди-ю, лекин кўнгли сездди, тўтқаноққа чалинганлар ҳақида эшитган эди.

Кунлар ортидан ойлار ўтди. Бир ярим йил деганда Ойниса ҳомилдор бўлди. Оғир меҳнатдан эзилган келинчак тўтқан қиз ҳам нимжонгина эди, тинимсиз касал бўларди. Қайнона билан қайнотаси Бахриддин чақалоғини яхши дўхтирларга кўрсатсин деб Ойнисани ҳам Тошкентга жўнатишди. Аммо юзлари доғ босган Ойниса, тинимсиз гингиди йиғлайдиган Ойгул Бахрид-

диннинг ичкарига чорлади. Зўрға оёқда турган эри изох берди:

— Танишиб қўй, бу Дилфуза — менинг хотиним. Бугундан бошлаб шу уйда яшайди. Анови чалажон қизингни олгин-да, эрталаб иккаланг ҳам кўзимдан йўқол!

Ойниса содда аёл эмасми, тили калимага келмай, нима дейишни билмасдан, бир Бахриддинга, бир унинг орқасида истеҳзоли жилмайиб турган қизга ажабланиб қаради. Эрини қўлтиклаб, ичкарига етаклаб, жойига ётқизди-да, чой қўйгани ошхонага кириб кетди. Шу маҳал яна қизчаси хархаша қилиб, йиғлай бошлади. Кейин уни юпатиб ухлатди ва кўзи илинди. Ярим тунда қаттиқ тепкидан уйғониб кетди. Қараса, Бахриддин ваҳоҳат билан турарди.

— Вой дадаси, нима бўлди сизга, эсингизни йиғинг. Қаерга кетаман мен? Ахир...

Юз-кўзлари аралаш тушган муштан гандирақлаб йиқилган Ойниса эс-хушини йиғиб олгач, йиғлаганча секин ўрнидан туриб, Ойгулни аделчасига ўради ва устига жемперини кийиб, секин уйдан чиқиб кетди. Кузининг салқин кунлари эмасми, кечаси совуқ тушиб қолганди. Ойниса қаерга боришни билмай бекатда туриб қолди. Нам торган скамейкада қизалоғини бағрига босиб ўтирар, юзини юваётган кўз ёшларини артишга улгурмасди. Осмон узок, ер қаттиқ деганлари рост экан. Утиравериб совқотгач, аста ўрнидан турди-да, йўл чеккасидан кета бошла-

ди. Ҳозир қаёққа боришини ҳам билмас, шаҳарга келганидан бери пастдаги дўкандан бошқа жойга бормагани учун, чироқлари бирин-кетин ўчаётган кўп қаватли уйлар худди устига қулаб тушаётгандек туюларди. Уйларнинг ваҳимали салобатидан узокроққа қочиш учун катта йўлнинг нариги чеккасига ўтишга қарор қилди. Бирдан кўзига урилган чироқ, машина гилдирагининг чийиллаши уни ариққа улоқтирди.

— Ҳой аҳмоқ хотин, Кўзинг қаекада эди сенинг? Тирикми-сан?!

Ойниса юзига сепилган сувдан инграб кўзини очаркан, бошида энгашиб турган оппоқ соқоқли чолни кўриб, бирдан эсига қизалоғи тушди-ю, ўрнидан сапчиб турди.

— Қизим қани, қўлимда эди-ку! Ойгулжон!

— Худого шукр-е, тирик экансан. Боланг ана, машинада, уни шу қадар маҳкам кучоқлабсанки, зўрға қўлингдан ажратиб олдим. Ҳеч қаеринг лат емадимми?

Шундан кейингина Ойниса боши қаттиқ оғриётганини сездди, қолаверса, ўнг қўлининг тирсағи ҳам ачишаётган эди.

Ойниса ўзи учун Волода амаки ўша куни Яратган томонидан юборилган фаришта эканига кўп ўтмай амин бўлди. Эски "Москвич" ини юргизар экан, хавотир аралаш "Қизим, ярим кечанда қаерга кетаётганинг? Касалхонага олиб борайми?" деб сўраб қўйди. Ойниса эса зўрға "Амакижон, эрталабгача бирор жойда тунаб қолсам бўлди, соппа-соғман", деди. Хуллас, Волода амаки яқин маҳалладаги кичкина ҳовличасига бошлаб борди. Ўзининг айтишича, ўтган йили кампири қаза қилган, фарзандлари Россияда яшар экан. Эрта-киндан бошлаб Ойниса унинг қизи, Ойгул неварасига айланди. Шу тахлитда уч йилча чолниқиди яшаб юрди. Қутилмаганда энг яқин меҳрибон кишисига айлиниб қолган Волода амаки ҳам қаза қилди. Каталақдай уйчада она-бола ёлғиз қолишди. Мусофир жой эмасми, бировга дардини ёролмайди. Янги танишган дугоналари икки-уч жойдан эр топишди, қизини ўғай ота қўлида қай аҳволда тарбия топишини ўйлаб, рози бўлмади.

Кўп ўтмай мактабга фаррош бўлиб ишга кирди. Кейинчалик Ойгул ҳам бошланғич синфда ўқий бошлади. Қизи болалигида касаликка чалинаверганиданми, ўта инжик бўлиб воғга етди. Энг ёмони, улғайгани сайин не-не азоб-укубатларга чидаб, бутун умрини унга бағишлаган онасидан уялар, имкони бўлса, бирга юрмасликка уринар эди. Ойгул мактабда йўлакнинг полини артаётган онасига терс қараганича, синфдош дугоналари билан ўтиб кетарди. Ҳар куни уйда бир хил гап.

— Сиз мени дугоналарим олдида шарманда қилаяпсиз, шу мактабдан кетинг, бошқа жойда ишланг!

Ойгул шундай сўзларни айтиб бақирар, кейин жаҳл билан ўз хонасига кириб кетарди. Мактабни тугатган, Иқтисодиёт университетига ҳужжатларини топширган Ойгул имтиҳонлардан ўта олмади. Шу куни уйга келиб, бор аламини Ойнисадан олди. Уни ношудликда, қўли калталиқда айлагани етмагандек, бевалигини ҳам юзига солди.

(Давоми келгуси сонда.)

Кашандаликдан бошланган кулфат

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, ақсарият кашандалар чекишни 18 ёшга тўлмай бошлар экан. Бу эса ўсиб келаётган навқирон организмга жиддий ҳавф солиб, ёшларнинг келгуси ҳаётида салбий буришга ясаши, ҳатто мудҳиш фожияларга сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг хулосаларига таяниб айтиладиган бўлса, гиёҳвандлик балоси асосан кашандаликдан бошланади. Болалик қизиқиши сабаб бир-икки чекиб юрган йигит-қизлар кейинчалик таркибиди гиёҳванд моддалар бўлган бошқа нарсалардан ҳам татиб кўришни истайдилар.

...Кун кеча кўтаринки кайфиятда юрган Жаҳоҳир бугун яна титраб-қақшаганича пул қидириб, бутун уйни ости-устун пул бошлади. Унинг бунақа тўполналаридан беэи қолган ногирон ота ўз хонасига қамалиб олди. Мушторлар она атрофида гир айлаиб, ўғлини тинчитишга ҳаракат қилар, инсоний қиёфасини буткул йўқотган нобакорни беҳуда инсофга келтиришга уринади.

— Ўғлим деманг мени. Ёлғизгина ўғлингиздан пулингизни аяб ўтирибсизку, қанақа онасиз?

— Ўтган ҳафта бор пулимни бердим. Уйда ҳам ҳеч вақо қолмади, борини сотиб тугатдинг. Жон болам, эс-ҳушини йиғиб ол. Касал отанга раҳиминг келсин.

— Ойи, дийдиёнгизни йиғитиригинг. Ёки менга пул топиб беринг, ёки уйни сотишга рози бўлинглар. Ҳужжатлар қаерда, деяпман. Қочинг йўлимдан...

Тўхтамурад ота ортиқ чидаб ўтиролмади. Ҳассасига суянганча аранг судралиб ҳовлига чиқди-ю, кўз олдида намоён бўлган манзарадан эси оғаёзди. Ос-

тонада Зумрад хола ер билан битта бўлиб беҳуш ётарди. Жаҳоҳир эса кўйинида ниманидир яширганча кўчага отилиб чиқиб кетди. Инграб ётган онасига ҳам, унсиз йиғлаётган отасига ҳам қарамади...

Тўхтамурад ака билан Зумрад ота узоқ йиллик бефарзандликдан сўнг топган ёлғиз ўғилларини эркалатиб ўсти-

— Вой бунча ваҳима қиласиз, ўғил бола бўлгандан кейин чекса чекади-да. Шунга тарбияси бузилиб кетармиди? Ўтган кун иртотлари олдида ўғлимни мулазм қилибсиз, отаси билан хафа бўлдик.

Жаҳоҳирнинг таълим-тарбиясига жон куйдирганларнинг барчаси — ўқитувчиси бўладими, ёки тоғаю аммасими, ким бўлмасин, ўғлининг хулқини ёмон деса бас — Зумрад опанинг душманига айланди.

Жаҳоҳир мактабни битириб улгурмай, янги орттирган дўстлари "шарофат" и билан наша чекишгача бориб етди. Шунда ҳам ота-онаси бу иллатни йигитчиликка йўйиб, жиддий эътибор беришмади. Жаҳоҳир бора-бора тамоман гиёҳвандлик дардига мубтало бўлди. Балои нафси йўлида инсонийлик қиёфасини буткул йўқотди, унинг кўзига на оиласи, на фарзандлари кўринади. Энди қанчалик афсус-надомат чекишмасин, фойдаси бўлмади, қанчалик исташмасин, азиз фарзандларининг тарбиясини изга солишолмади...

Зумрад хола касалхонада ётиб, давланиб чиқди. Бошидаги жароҳат битсада, кўнгил яраси тобора маддалаб борарди. Отасининг ҳасрат билан дунёдан кўз юмиши ҳам Жаҳоҳирни гиёҳвандлик ботқоқидан халос қила олмади. Келини икки боласини олиб, ота-онасининг уйига кетгач, Зумрад хола узоқ яшамади. Жаҳоҳирнинг кейинги ҳаёти эса унинг ўзига, хоҳиш-иродасига боғлиқлиги барчамизга яхши маълум. Зеро, дунё кўрган доғишмандлар айтгандек, эзгуликнинг кечи йўқ...

Гулнора ПАРПИЕВА,
Олмалик шаҳар ДНИ катта
нотариуси.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА



ришди. Ота-она Жаҳоҳирнинг барча ноҳўя хатти-ҳаракатларини болалик шўхликлари деб қабул қилиб, инжиқликларини сўзсиз бажаришарди. Ҳатто арзанда ўғилнинг сигарет чекишини билиб, "Худога шукр, улгайибди", деб хурсанд бўлишди. Тақиклаш ўрнига тамахи харажати учун пул бериб "рағбатлантиришди".

Кунларнинг бирида синф раҳбари келиб, Жаҳоҳирнинг давомати пасайиб кетгани, устига устак, сигарет чекишини, энг ёмони, бу бошқа тенқурларига салбий таъсир кўрсатаётгани, ўз пайтида олди олинмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўюниб гапирди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Чилонзор тумани "Тошкент" автовокзали ёнига олиб келинади. Шу ернинг ўзиде олди-берди қилиниб, фуқаро Султонов келишилган маблағнинг бир қисмини АҚШ доллари кўринишида, яъни 4600 АҚШ доллари ҳамда 1.161.000 сўмини юк эгаси А. Алимовга беради. Қўнғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганлари рост экан. Ноқоғоний фаолият билан шуғулланиб келган Алимов ва унинг ҳамтовоклари далилий ашёлар билан қўлга олиниб, тегишли тартибда жазога тортилди.

Ўткирбек АБДУРАИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК
департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси
бўлим бошлиғи ўринбосари.

Сохта ҳужжат, сифатсиз маҳсулот


"КМС" МЧЖ директори А. Алимов (исм-шарифи ўзгартрилган) жамият ҳисобчиси З. Наимова билан жиноий тил бириктирган ҳолда, руҳсат берилмаган маргарин ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Аслида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "гигиена сертификати" ҳамда Сертификатлаш марказининг "маҳсулот сертификати"га эга бўлмасдан, ўзбошимчилик билан маъқур ҳужжатларни сохташтириб, фаолият юрита бошлаган. Оқибатда, корхона томонидан тайёрланган маргарин маҳсулоти бутунлай истеъмолга яроқсиз экани экспертиза натижасида аниқланди.

Фуқаро Султонов навбатдаги харидор. У 5000 кг. маргарин олиш ниятида жамият аъзолари билан мулоқотга киришди. Умумий нархи 12.250.000 сўм қилиб белгиланган маҳсулот сохта юк хати орқали учта "Дамас" автоуловига юкланиб,

"Онам "Сенинг ҳаётингни ўйламабман. Оиламни асраб қолишим керак эди. У пайтда ёш бўлганман-да", деб афсусланади. Ота-онам севишиб турмуш қуришган экан. Отанинг иши юришиб, таниш-билишлари кўпаяверибди. Онам дугонасининг тўйидан келаётганида отамни машинасида нотаниш бир аёл билан кўриб қолади. Ёнидаги узоқ қариндоши алангага мой сеплади. Шу аёл билан отамни уч-тўрт марта кафеларда кўрганини айтиди. Шу-шу, ота-онамининг ўрталаридаги жанжал ажрашишгача бориб етади. Онам қайта турмуш қурмади. Укам ва мен учун ҳаётини бағишлади.

Уч йил илгари қўшни маҳалладаги Нодир исмли йигитдан совчи келиб, у билан учрашувга чиқдим. Икковимиз бир-биримизга маъқул бўлиб, унаштирилиш арафасида қудалар ниятидан қайтишди. Эмишки, онамининг айби билан отам бизларни ташлаб кетганмиш.

Уша кун ишдан ҳам кўпроқ онамни ўйлаб сиқилдим. Ахир, у кишида нима айб? Шундан сўнг дугоналарим таништирмоқчи бўлган йигитлардан ҳам ўзимни олиб қола бошладим. Ёшим 24 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Турмушга чиқмаганман. 30 ёшгача бўлган, оиламизни ҳурмат қиладиган, диёнатли, зарарли



одатлардан холи, иши тайин, уй-жойли тошкентлик йигит учраса, турмушга чиқмоқчиман.

МАХБУБА,
Тошкент шаҳри".

"Синглим Гулсанам бир оилани гуллаётганига қиз. Кенжа фарзандлиги учун онам оғир бетеб бўлиб ётганида бор юк унинг зиммасида бўлди. Уни сўраб келган совчиларга келин-ойиларим акаларим билан бамаълаҳат рад жавобини бераверишди. Онам олти йил бир жойда ётиб, қаза қилди. Бу орада синглимининг ёши 27га бориб қолди. Тенгдош дугоналари оилали, бола-чақали бўлиб кетишди. Яқинда келиноним узоқ қариндошимизнинг ўғлига Гулсанамни сўраяпти, деб гап очиб қолди. Жигаримнинг тақдирига бефарқ бўлолмай қувёни суриштирдим. Йигит келишган эди, отаси раҳбар бўлиб хизмат қиладиган корхонада ишлар экан. Қўни-қўшилари макташди. Рози бўлиб турувдик, поликлиникада ишлайдиган яқин дугонам меҳмонга келиб қолди. Гап орасида шанба кун синглимини унаштиряпсиз, дедим.

Йигитнинг исмини эшитиши билан "Вой, унинг тутқаноғи борлигини билмайсизми?" деса бўладими! Дугонамнинг гапи рост бўлиб чиқди... Ўйлаб-ўйлаб сизларга хат ёзаяпман. Умидим, кўп қатори синглим ҳам газета сабаб бахтини топса. Гулсанамнинг ёши 30 да. Маълумоти ўрта маҳсус. Хушрўйгина. Ўрта бўйли, ёшига мос, яхши оиланинг фарзанди, соғлом, тўғри сўз йигит учраса, синглимини эгасига топшириб, кўнглимиз тинчирди.

МУХЛИСА,
Жиззах вилояти".

"Гулсара билан пахта теримда хашарга борганимизда танишгандим. Уша кун одатдагидай эгатга тушиб, кўздан йироқ бўлгач, ёнимдагиларнинг қаторидан ўғринча пахта тера бошладим. Тушликдан сўнг хабар топганлар мени ўртага олишиб, роса қойишди. Фақатгина Гулсара ёнимни олиб бригадирга "Каранг, чанокда қолдирмай, тозалаб терибди-ку", деди. Бригадирнинг ози ёришиб, "Ҳа, барақалла, бун и ўғрилик деб бўлмайди. Вой, шуна эгатнинг

пахтасини тозалаб теришнинг ўзи бўладими, тушликкача 80 кг. хазилакам гапми?" дея мени мактади. "Бундан буён мактабдошларинг рози бўлсагина, олдида тушгин", дея танбех беришни ҳам унутмади.

Мен "Б"да, Гулсара эса "А" синфда ўқирди. Бир воқеа бизларни яна ҳам дўстлаштирди. Иمتихонда ўқитувчимиз мени китобдан кўчирмачиликда айб-лаб синфдан чиқариб юборди. Гулсара шунда ҳам жонимга ора кирди. Етарлича билимга эгаллигимга ўзимни ишонтира олди. Ўқитувчимиздан имтихонга киришга ва ўтирмай жавоб беришга руҳсат олдим, барини аъло баҳога топширдим. У шу тариқа мени тўғри йўлга бошлайверди. Институтда бирга ўқидик. Тўйи-

ХАЙДАР,
Бухоро вилояти".

АЖАБ ОЛАМ

"Дарахтлар цирки"

Бир неча юз йиллик улкан дарахтлар ҳақида эшитгансиз, эҳтимол, кўрган ҳамдирсиз. Уларнинг узоқ тарихига яраша не-не воқеаларга гувоҳу, ким-кимларгадир паноҳ бўлгани ҳақида ҳам турли афсона, ҳикоятлар тинглангансиз. Чевар табиатнинг бу мўъжизалари қарши-сида сизни хайратлар чулганган. Табиатнинг сирли гўзалликларини янада бойитишда одамзоднинг ҳам иштироки бор экан.

Канадалик биолог ва селекционер олим Аксель Эрландсон умрининг қирқ



йилини илмий тақрибларига таяниб, ўзи яшаб турган хуудда "Дарахтлар цирки" номили антика боғбарпо этишга сарфлаган. 1884 йили туғилган Аксель аслида қачонлардир Канадага кўчиб келган швед иммигрантларининг фарзанди. Унинг оиласи ҳам турли дарахт ва ўсимликларни маданийлаштириш ишлари билан шуғулланган. Бу қизиқарли машғулотлар Эрландсонни ҳам илҳомлантириб, у ҳам тобора кўкка буй чўзиб бораётган дарахт ниҳолларида ўз тажриба ишларини бошлаб юборган.

Ёш олим дарахтларнинг ўсаётган тана-сига маҳсус асбоб-ускуна, мосламалар ёрдамиде хар хил шакллар беришга ҳаракат қилган. Натижада, сиз сурад-да кўриб турган "Савад-дарахт", "Қўшоёқ дарахт", "Нарвон-дарахт" каби ноанъанавий дарахтлар пайдо бўлган.

Ҳа, Аксель жонли дарахтлардан ноёб ва бетакрор ҳайкаллар яратган санъаткор боғбон эди. "Бу каби мўъжизаларни қандай яратгансиз?" деб сўраса, секингина кулиб, шундай жавоб қиларди: "Мен буни дарахтларнинг ўзларидан илтимос қилардим!"

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

миз бўлди. Биз жуда ҳам бахтли эдик. Учинчи қизимизни дунёга келтириб, ўзи дунёдан кўз юмди. Қисматимда бор экан. Ўн кун ўтгач, чақалоқни туғруқхонадан ўзим кўтариб чиқдим. Айрилик азоби қаддини буккан қайнонам Ёдгорани парваришлад-да бош-қош бўлди. Тунлари ўзим алла ҳам айтиб чиқардим. Қизим бир ярим ёшга кирганида қайнонам ҳам қаза қилди. Яқинларимнинг маслаҳати билан "Оила ва жамият" газетасига ёрдам сўраб хат ёздим. Мақтубим эътиборсиз қолмади. Мана ўн йиллик турмушдан бефарзандлиги туфайли ажрашган Зумраднинг телефон рақамини беришди. Бир қўришдаёқ Ёдгоранга унга талпинди. Охири билан суянтирган бўлсин. Зумрад қизларимга меҳрибон, оққўнғил, уйим-жойим дейдиган аёл. Сизлардан бир умр миннатдорман.

ХАЙДАР,
Бухоро вилояти".

ТАҲРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойини (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

"Алло, ким бу?"

Ижодий гуруҳ навбатдаги кўрсатувни тайёрлаш билан овора. Кутилмаган жойдан уст-ма-уст муаммолар чиқавериби, ҳаммининг асаби таранглашиб кетган. Айниқса, режиссёр ўзини кўярга жой тополмайди. Шунда бирдангина унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қайта-қайта қарамасин, барибир рақамни танимади: "Бирор иши бордир-да..."

— Алло! — деди режиссёр мулойимроқ гапиришга ҳаракат қилиб.

— Алло, ким бу? — дея талмов-сиради нариги тарафдаги киши.

На салом бор, на алик... Даб-дурустдан кўнғироқ қилади-да, устига устак, кимлигини ҳам сўрайди. Қайси рақамни терганини билармикин, ўзи?

— Телефон қилаётган сен бўлсанг, кимнинг рақамини тердинг, ахир?!

Дард устига чипкон, деб шуни айтсалар керак-да. Тўғри, аввало, ижодий жамоа хар қандай вазиятда ҳам асабларга



зўр бермай, муаммоларни босиқлик билан ҳал этиши керак эди. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Кейинги беш-олти йилда "ҳаво телефон" жуда оммалашиб кетди. Ўзбекистон аҳолиси 28,5 миллионга етган бўлса, уяли алоқа операторлари абонентлари

НИМА ДЕЙСИЗ?

сони эса 20 миллиондан ошиб кетди, десак муболага қилмаймиз. Демак, биз бугун кундалик мулоқотимизнинг каттагина қисмини айнан замонавий технологиялар (телефон, интернет...) орқали амалга ошираялмиз. Бу узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилиш билан бирга, инсоний ҳис-туйғуларимиз, муомала маданиятимизга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Энди одамлар ҳам янги шарт-шароитларга, ўзига хос қонунқоидаларга кўникиб бориши керак. Жумладан, халқимиз орасида телефонда мулоқот қилиш маданияти ҳам шаклланди. Бунда, энг аввало, суҳбатдошнинг қай вазиятда, қай кайфиятдалиги билан ҳисоблашиш керак: айти пайтда гаплашишга имкони борми, кўнғироғингиз уни безовта қилиб қўймадим, балки қаергадир шошиб тургандир, балки жиддийроқ тadbирда ёхуд жамоат жойидадир?.. Мана шундай арзимас эътиборсизликлар оқибатида ўзаро келишмовчиликлар, кўнгилсизликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Ана шундан эҳтиёт бўлайлик!

Иқбол ПАРДАЕВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

СПОРТ СПОРТ

Шашти баланд шахматчилар

Бразилиянинг Калдас Новас шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ шафелигида ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тўрт нафар ўзбек шахматчиси – Саидқабар Сайдалиев, Ортик Нейматов, Гулруҳбегим Тохиржонова ҳамда Сарвиноз Курбонбоева дона сурмоқда.

Мусобақада қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоасининг энг ёш аъзоси Саидқабар Сайдалиев 10 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги дастлабки тўрт партия натижасига кўра, кучли етиликдан жой олди. Тўрт имкониятдан уч ярим очко жамғарган Саидқабар кейинги турда туркиялик Емре Дедебаш билан куч синашади.

12 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида мағлубиятсиз ўйнаётган умидли спортчимиз Гулруҳбегим Тохиржонова ҳам юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда. Гулруҳбегим икки рақибини мағлубиятга учратиб, яна иккита шахматчи билан дуранга эришди. Кейинги турда у хиндистонлик Рия Савангта қарши қора донларда ўйнайди.

12 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида Ортик Нейматов дастлабки тўрт учрашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилди. У россиялик Кирилл Казанцев, аргентиналик ФИДЕ устаси Исмаел Пабло Аюшита ва америкалик Қаҳир Пиллаи устидан зафар қучди. Энди канадалик Разван Преотуга қарши дона сурди.

18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида совринли ўринлар учун курашаётган мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони Сарвиноз Курбонбоева ҳозирча икки ярим очко жамғарди. Моҳир шахматчимиз франциялик Арийелла Ле Баил ва эквадорлик Паулина

Чангони мот қилиб, австриялик Анника Фроевис билан дуран ўйнади. Навбатдаги партияда Сарвиноз болгариялик Ани Крумова билан ўйнайди.

«Нефтчи» Шарққа эмас, Фарбга боради

ОФК Ўзбекистонга ОЧЛ учун 3+1 кўринишида квота бериб, «Нефтчи»нинг Фарбдаги саралаш баҳсларида қатнашишини маълум қилди. Тўғридан-тўғри қатнашадиган жамоаларимиздан бири эса Шарқ минтақасида иштирок этади. Демак, «Бунёдкор», «Пахтакор» ёки «Насаф»дан бири шарқликлар билан кураш олиб боради. Қайси жамоамизнинг ушбу гуруҳда қатнашиши эса қуръа ташлаш орқали маълум бўлади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги жамиятлар, шаҳар ва туман бўлимлари, шунингдек, барча матбуот дўконларида обуна бўйича батафсил маълумот олишингиз мумкин.



ОБУНАГА КЎМАКЧИ — «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»



Компания тизимидаги ҳудудий корхоналар:

Нукус (ҚР) – (8 361) 222 35 29	matbuotnukus@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Андижон – (8 374) 222 35 29	andijon_mt@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Бухоро – (8 365) 225 49 81	gulinora.86@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Жиззах – (8 372) 222 40 02	jizzak_mt@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Қашқадарё – (8 375) 225 44 59	qarshimt@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Наманган – (8 369) 239 01 18	nam_matbuot@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Навоий – (8 436) 223 26 86	navoi_matbuot@uznet.net	e-obuna.akmt.uz
Самарқанд – (8 366) 234 22 58	sammattbuot@uznet.net	e-obuna.akmt.uz
Сурхондарё – (8 376) 223 60 98	surdpm@uznet.net	e-obuna.akmt.uz
Сирдарё МЧЖ – (8 367) 225 47 70	guliston_mu@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Сирдарё ШК – (8 367) 225 11 22	zarmasov@inbox.ru	e-obuna.akmt.uz
Тошкент вилояти – (8 371) 233 13 04	komil85@mail.ru	e-obuna.akmt.uz
Фарғона – (8 373) 224 29 22	matbuot@simus.ru	e-obuna.akmt.uz
Хоразм – (8 362) 226 37 69	nar28@mail.ru	e-obuna.akmt.uz

МАНЗИЛ: Тошкент, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси 2-уй.

Тел\факс: (+998 71) 233 75 49 (+998 71) 233 67 98. E-mail: info@akmt.uz

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 7588. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусахҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5